

# **ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИГА ДАРС БЕРДИ**



Қумқўрғон тумани Агросаноат техникумидаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ўқитилаётган семинарга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси Жасурбек Эштемиров келди.

Ҳоким ёрдамчиларига бир қатор муҳим иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган, фаолият йўналишларида белгилаб берилган асосий вазифалар бўйича тушунчалар берди.

Шунингдек, семинарда Қумқўрғон туман пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи А.Жумаевнинг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда кам таъминланган оиласаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги маъruzasi ҳам тингланди.

Ўқув машғулотлари давом этмоқда.